
Маҳалладаги сайёр қабулда пенсияга оид мурожаатлар кўриб чиқилди

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш мақсадида Пенсия жамғармаси Ўзбекистон туман бўлими ташаббуси билан “Элчи” маҳалласида фуқаролар учун сайёр қабул ўтказилди.

Тадбирда фуқароларга пенсия тайинлаш, пенсия ва нафақа олувчиларга тўловларни амалга ошириш тартиби ҳақида кенг турда маълумотлар берилди. Пенсия таъминотида оид қонунчиликдаги янгилик ва ўзгаришлар, яратилган имкониятлар мазмун-моҳиятига тўхталинди.

Маҳалла аҳли вакилларининг соҳага оид мурожаатлари тингланди. Аксарият мурожаатлар юзасидан шу ернинг ўзида ҳуқуқий тушунтиришлар берилган бўлса, қўшимча ўрганиш талаб этадиган масалаларни ижросини таъминлаш учун назоратга олинди.

2024-07-27 14:36:58